

Единый портал корпоративной информации

Существенные факты

АТ "Aloqabank"

06. Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг

1.	НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА	
	Полное:	Aksiyadorlik tijorat "Aloqabank"
	Сокращенное:	АТ "Aloqabank"
	Наименование биржевого тикера:	ALKB, ALKBP
2.	КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ	
	Местонахождение:	Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Olmazor MFY, O'qchi ko'chasi, 2-uy
	Почтовый адрес:	100011, Toshkent shahri, Shayxontohur tumani, Olmazor MFY, O'qchi ko'chasi, 2-uy
	Адрес электронной почты:	info@aloqabank.uz (mailto:info@aloqabank.uz)
	Официальный веб-сайт:	www.aloqabank.uz (https://www.aloqabank.uz)
3.	ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ	
	Номер существенного факта:	6
	Наименование существенного факта:	Решения, принятые высшим органом управления эмитента, в том числе решения наблюдательного совета хозяйственных обществ о выпуске акций, корпоративных облигаций и иных ценных бумаг
	Вид собрания:	годовое

Дата проведения собрания:	27.06.2023	
Дата составления протокола собрания:	27.06.2023	
Место проведения собрания:	Электрон овоз бериш хизмати http://evote.uz	
Кворум собрания:	93,36	

№	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	АТ «Алоқабанк» акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш	99,99	8 018 085 740	1e-06	100	0	0
2	АТ «Алоқабанк»нинг 2022 йил иш фаолияти яқунлари бўйича банк Кузатув кенгаши ҳисоботини тасдиқлаш	99,88	8 008 606 860	1e-06	100	0,0012	9 478 880
3	АТ «Алоқабанк»нинг 2022 йил иш фаолияти яқунлари ҳамда 2023 йилдаги устувор вазифалари тўғрисидаги банк Бошқаруви Раиси ҳисоботини тасдиқлаш	99,88	8 008 606 860	1e-06	100	0,0012	9 478 880
4	АТ «Алоқабанк»нинг 2022 йил иш фаолияти якуни бўйича Халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш	99,88	8 008 606 860	1e-06	100	0,0012	9 478 880

5	АТ «Алоқабанк»нинг йиллик ҳисоботи, миллий стандартлар бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш	99,1	7 945 984 613	1e-06	100	0,9	72 101 127
6	АТ «Алоқабанк»нинг 2022 йил иш фаолияти якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш	88,29	7 079 527 938	11,64	933 617 030	0,06	4 940 872
7	АТ «Алоқабанк»нинг 2023 йил иш фаолияти якуни бўйича Халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тайёрлаш учун аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш «PriceWaterhouseCoopers» аудиторлик компанияси	100,0	8 018 085 840	0	0	0	0
8	АТ «Алоқабанк» кейинги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишигача аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларни маъқуллаш	99,88	8 008 406 860	1e-06	100	0,12	9 678 880
9	АТ «Алоқабанк»да 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш	99,88	8 008 606 938	0,12	9 478 880	3e-07	22

10	Банк Бошқаруви ихтиёридаги жамғарма фаолиятини тугатиш	99,22	7 955 463 615	0	0	0,78	62 622 225
11	«Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш	99,88	8 008 606 938	0	0	0,12	9 478 902
12	АТ «Алоқабанк»нинг ташкилий тузилмасига киритилган ўзгартиришларни тасдиқлаш	92,14	7 388 111 059	0	0	7,86	629 974 781

№	Полные формулировки решений, принятых общим собранием
1	1. АТ «Алоқабанк» акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти тасдиқланди.
2	1. АТ «Алоқабанк» Кузатув кенгашининг 2022 йил якунлари бўйича берган ҳисоботи тасдиқлансин ва фаолияти қониқарли деб белгиланди. 2. Банкнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, банк олдига қўйилган стратегик йўналишларни белгилаш, банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳамда мижозларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги устувор вазифалар тасдиқланди: • Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг банк-молия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва трансформация жараёнлари бўйича банкка юклатилган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш; • янги замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳалари учун кредитлар ажратиш ва шу асосда рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи, шунингдек экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳоли бандлигини оширишни таъминлаш; • профессионал жиҳатдан юксак ва юқори малакали ходимлар билан бутлаш, хизмат кўрсатиш маданияти ва сифатини ошириш. 3. АТ «Алоқабанк»нинг 2023 йил учун мўлжалланган Бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилишини назорат қилиш ва банк фаолияти натижалари бўйича ўрнатилган тартибда банк Бошқаруви ҳисоботларини кўриб бориш вазифаси юклатилди.

3	<p>1. АТ «Алоқабанк» фаолиятининг 2022 йил якунлари бўйича банк Бошқаруви Раисининг ҳисоботи тасдиқлансин ва ҳисобот давридаги иш фаолияти қониқарли деб белгиланди.</p> <p>2. АТ «Алоқабанк» Бошқаруви томонидан 2023 йилда бажарилиши лозим бўлган қуйидаги устувор вазифалар тасдиқланди: - Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг банк-молия тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва трансформация жараёнлари бўйича банкка юклатилган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш; - аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банкка бўлган ишончини мустаҳкамлаш орқали уларнинг бўш пул маблағларини қимматли қоғозлар ва депозитларга жалб қилиш; - Бош банк ва ҳудуддаги таркибий бўлинмаларни етакчи хорижий банклар ва молия институтлари томонидан қабул қилинган андозалар, услублар ва баҳолаш кўрсаткичлари тизимида ишлай оладиган, мукамал тайёрланган юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, банкнинг кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек банк раҳбар ходимлари захирасини мунтазам равишда сифатли шакллантириб бориш; - банкнинг инвестицион фаолиятини кенгайтириш, шу жумладан иқтисодий тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнларида банк иштирокини кенгайтириш, банк томонидан қилинган инвестициялар самарадорлигини ошириш; - кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кредитлар беришда лойиҳаларни биринчи навбатда, реал секторга ва янги иш ўринларини барпо қилишга, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга, маҳаллий хом-ашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга ҳамда ҳудудларда хорижий инвестициялар иштирокида лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этиш орқали инновацион технологияларни олиб келиш ва аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш; - АТ «Алоқабанк» нинг 2023 йил учун мўлжалланган бизнес-режа кўрсаткичларни бажарилишини таъминлаш; - мустаҳкам ресурс базасини шакллантириш ва активлар сифатини яхшилаш ҳисобига банкнинг молиявий барқарорлигини ва ликвидлигини ошириш.</p> <p>3. Банк Бошқаруви зиммасига банк фаолияти юзасидан йилнинг ҳар чорак якунлари бўйича банк Кузатув кенгашига ҳисобот бериб бориш вазифаси юклатилди.</p>
4	<p>1. АТ «Алоқабанк» нинг 2022 йил иш фаолияти якунлари бўйича «PricewaterhouseCoopers» ташқи аудиторлик компанияси томонидан Халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган аудиторлик ҳисоботи ва хулосаси тасдиқланди.</p> <p>2. Банк Бошқаруви «PricewaterhouseCoopers» ташқи аудиторлик компанияси томонидан берилган таклиф ва тавсиялар асосида белгиланган чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.</p>
5	<p>1. АТ «Алоқабанк»нинг йиллик ҳисоботи, миллий стандартлар бўйича бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқланди.</p>
6	<p>1. Юқоридагилар асосида, 2022 йил якуни бўйича соф фойданинг 19 720,60 млн. сўми Инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.</p> <p>2. Банк фаолиятининг 2022 йил якунлари давомида олган соф фойдасининг қолган 208 673,84 млн. сўми тақсимланмаган фойда сифатида қолдирилди.</p> <p>3. Бошқарув ихтиёридаги жамғарманинг 4 685,57 млн. сўми тақсимланмаган фойдага йўналтириш тўғрисида қарор қабул қилинди</p>

7	<p>1. АТ «Алоқабанк»нинг 2023 йил иш фаолияти якуни бўйича Халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик ҳисоботи ва хулосасини тайёрлаш учун «PricewaterhouseCoopers» аудиторлик компанияси танлансин ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорининг чегараси 2 760 000 000,0 (Икки миллиард етти юз олти миш миллион) (нархлар қўшилган қиймат солиғисиз кўрсатилган) сўм миқдорида белгиланди. 2. Банк Бошқарувига (К.Ирисбекова) «PricewaterhouseCoopers» ташқи аудиторлик компанияси билан шартнома имзолаш вазифаси юклатилди.</p>
8	<p>1. АТ «Алоқабанк» ва 6-иловада кўрсатиб ўтилган ташкилотлар ўртасида тузилиши мумкин бўлган ҳар қандай битимлар, шу жумладан банк операциялари, хусусан кредит, лизинг, банк кафолати, кафиллик, депозит, своп ва спот битимлари, суғурта, пул маблағлари ва тўловларни ўтказиш билан боғлиқ операциялар, гаров ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа операциялар ҳамда ушбу ташкилотлар томонидан кўрсатилаётган хизматлари юзасидан тузиладиган битимлар бўйича ҳар бир битимнинг суммаси банк соф активларининг 50 (эллик) фоизигача бўлган ҳолларда битимларни тузишга олдиндан рухсат бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. 2. АТ «Алоқабанк» Бошқаруви ва Кузатув кенгаши қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ушбу операцияларнинг тўғри ва қонуний амалга оширилишини таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.</p>
9	<p>1. «Nazorat Audit» МЧЖ томонидан АТ «Алоқабанк» корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари маълумот учун қабул қилинди. 2. «Nazorat Audit» МЧЖ томонидан АТ «Алоқабанк» корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қониқарли деб топилди. 3. Банк Бошқаруви (К.Ирисбекова) зиммасига мазкур қарор ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.</p>
10	<p>1. Банк Бошқаруви ихтиёридаги жамғарманинг фаолияти тугатилиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 2. Банк Бошқаруви (К.Ирисбекова) зиммасига мазкур қарор ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.</p>
11	<p>1. ««АТ «Алоқабанк» Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар 7-иловага мувофиқ тасдиқланди.</p>
12	<p>1. Банкнинг ташкилий тузилмаси 8-иловага мувофиқ тасдиқланди. 2. Банк Бошқаруви (К.Ирисбекова) зиммасига мазкур қарор ижросини таъминлаш вазифаси юклатилди.</p>

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:	Ирисбекова Камунна Наринбаевна
Ф.И.О. главного бухгалтера:	Абдуллаев Учкун Аширович
Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего информацию на веб-сайте:	Чагаев Марат Батырович

[Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента \(http://aloqabank.uz/uz/page/shareholders/soobshcheniya-o-sushchestvennyh-faktah#content_text\)](http://aloqabank.uz/uz/page/shareholders/soobshcheniya-o-sushchestvennyh-faktah#content_text)

Источник: <https://openinfo.uz/facts/6/9628>

Дата: 31.03.2026